

**“Ўзмилийбанк” АЖга коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини  
жорий этиш бўйича ISO 37001:2016 халқаро сертификатнинг топширилиши  
муносабати билан Бошқарув Раисининг  
МУРОЖААТИ**

**Хурматли Банкимиз мутахассислари, ҳамкасабалар!**

Бугун Банкимиз учун алоҳида ва муҳим кун. “Ўзмилийбанк” АЖ ташкил топганлигининг 33 йиллиги нишонланиши арафасида яна бир аҳамиятли воқеа - коррупцияга қарши курашиш бошқарув тизими ISO 37001:2016 Халқаро сертификатини қўлга киритдик. Ушбу сертификатга эгалик қилиш “Ўзмилийбанк” АЖнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган узок муддатли ривожланиш Стратегияси ва фаолиятини трансформация қилиш Дастурига тўлиқ мос келиб, унинг ҳосили десак муболаға бўлмайди.

Ушбу сертификат сари йўлимиз осон бўлмади, аммо бу жараёндаги қатъиятликимиз ва ишончимиз барча қийинчиликларни енгишимизга имкон берди. Биз нафақат бу мақсадга эришдик, балки муносабатларимиз, ўзаро тушуниш ва бир-биримизга бўлган ишончимизни мустаҳкамладик.

Энг аввало, “Ўзмилийбанк” АЖ томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги йўналишни, принципларини белгилаш, ходимларининг коррупцияга қарши ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини ошириш мақсадида Банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ишлаб чиқилиб фаолиятимизга тадбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий Кенгаши, Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорларига асосан, 2022-2024 йилларда “Ўзмилийбанк” АЖда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилди.

Банкда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ва халқаро стандартлар талабларига асосан ташкил этиш мақсадида 20 дан ортиқ ички идоравий норматив-ҳужжатлар ишлаб чиқилди, қайта кўриб чиқиб тасдиқланди; коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функциялар аниқланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнлари амалга оширилди.

Банкнинг комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш ходимлари ва соҳага алоқадор ходимларнинг малакасини ошириш, уларда ушбу соҳада назарий ҳамда амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида халқаро тажрибага эга CERT Academy ташкилотини жалб қилган ҳолда машғулотлар ташкил этилди ва яқунлари бўйича сертификатлар топширилди.

Барча банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида малака ошириш ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

“Ўзмилийбанк” расмий сайтида “Коррупцияга қарши курашиш” саҳифаси ишга туширилди. Бунда тизимдаги содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида ҳабар бериш учун мўлжалланган алоқа каналлари жорий этилди.

Ушбу сертификатга эришиш “Ўзмилийбанк” АЖ учун шаффофликни таъминлаш ва ахлоқий хулқ-атвор ва масъулиятнинг юқори стандартларига содиқлигини намойиш этишда муҳим қадамдир.

Энг асосийси, ISO 37001:2016 сертификати Банкимизнинг фаолияти Коррупцияга қарши кураш менежменти тизимининг халқаро стандартларга мувофиқлигини кўрсатиб барча даражалардаги бошқарув аппаратида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш юзасидан катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, эришилган марра якуний нуқта эмас, балки янги бошланиш. Банк раҳбарияти ва сиз - ходимларимиз ўз тамойилларимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятимизни давом эттиришимиз ва коррупцияга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш келажак мақсадимиз эканлигини эътироф этишимиз зарур.


### **Хурматли ҳамкасабалар!**

ISO 37001:2016 халқаро сертификатини қўлга киритилишида ҳар бирингизнинг қўшган ҳиссангиз ва иштирокингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ўйлайманки, Банк раҳбарияти томонидан ходимларимизнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида йил давомида ташкиллаштирилаётган машғулотлар, семинар ва тренинглар келажакда нафақат Бош офисимиз ва Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Марказий амалиёт банк хизматлари маркази, балки Банкнинг барча тузилмавий бўлинмалари томонидан халқаро сертификат олишга кўмак бўлади.

Банкимиздаги фаолиятингизда омад тилаган ҳолда, Коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишингизга ва унга қарши аёвсиз курашда фаол қатнашингизга ишонч билдираман!

**Бошқарув Раиси**



**А.К.Мирсоатов**